

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc 27.06.2017.Tib.30.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ  
КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**ОРИПОВ ФИРДАВС СУРЪАТОВИЧ**

**ҲОМИЛАДОРЛИК ДАВРИДА ПЕСТИЦИД БИЛАН  
ЗАҲАРЛАНТИРИЛГАН ҚУЁН АВЛОДЛАРИ ОЧ ИЧАГИ  
ИММУННОЕЙРОЭНДОКРИН АППАРАТЛАРИНИНГ  
МОРФОЛОГИЯСИ**

**14.00.02 – Морфология  
14.00.35 – Болалар хирургияси**

**Тиббиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2018**

**Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации**

**Content of the Doctoral (DSc) abstract**

**Орипов Фирдавс Суръатович**

Ҳомиладорлик даврида пестицид билан захарлантирилган

куён авлодлари оч ичаги иммуннейроэндокрин

аппаратларининг морфологияси ..... 3

**Орипов Фирдавс Суръатович**

Морфология иммуннейроэндокринных структур тощей

кишки потомства крольчих отравленных пестицидом в период

беременности ..... 25

**Oripov Firdavs Sur'atovich**

Morphology of immunoneuroendocrine structures of the

jejunum of the rabbits' breed poisoned by pesticide during

pregnancy..... 47

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works ..... 51

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc 27.06.2017.Tib.30.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ  
КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**ОРИПОВ ФИРДАВС СУРЪАТОВИЧ**

**ҲОМИЛАДОРЛИК ДАВРИДА ПЕСТИЦИД БИЛАН  
ЗАҲАРЛАНТИРИЛГАН ҚУЁН АВЛОДЛАРИ ОЧ ИЧАГИ  
ИММУННОНЕЙРОЭНДОКРИН АППАРАТЛАРИНИНГ  
МОРФОЛОГИЯСИ**

**14.00.02 – Морфология  
14.00.35 – Болалар хирургияси**

**Тиббиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2018**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.1.DSc/Tib264 рақами билан рўйхатга олинган.**

Докторлик диссертацияси (DSc) Самарқанд давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий Кенгаш веб-саҳифасида ([www.tma.uz](http://www.tma.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим портали ([www.zionet.uz](http://www.zionet.uz)) манзилларига жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчилар:**

**Дехқонов Тошпўлат Дехқонович**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Шамсиев Азамат Мухитдинович**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Азизова Феруза Хусановна**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Юлдашев Акрам Юлдашевич**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Эргашев Насриддин Шамсиддинович**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Ижевск давлат тиббиёт академияси**  
(Россия Федерацияси)

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги 27.06.2017.Тиб.30.03 рақамли илмий кенгаш асосидаги бир марталик Илмий кенгашнинг 2018 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100109, Тошкент ш., Фаробий кўчаси, 2-уй, Тошкент тиббиёт академиясининг 1-ўқув биноси мажлислар зали. Тел./Факс: (+99871) 150-78-25, e-mail:tta2005@mail.ru.

Докторлик диссертация (DSc) билан Тошкент тиббиёт академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин ( \_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100109, Тошкент ш., Фаробий кўчаси, 2-уй, Тошкент тиббиёт академиясининг 2-ўқув биноси, «Б» қанот, 1-қават, 7-хона. Тел./Факс: (+99871) 150-78-14.

Диссертация автореферати 2018 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ да тарқатилди.

(2018 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Г. И. Шайхова**

Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Н. Ж. Эрматов**

Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

**Ф. Х. Азизова**

Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (докторлик диссертациясига аннотация)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунёда пренатал ва илк постнатал тараққиёт даврларининг организмнинг аъзолар ва системалар морфофункционал тизимининг такомиллашувидаги муҳим ўрни, уларнинг онтогенез жараёнидаги шаклланишининг бузилиши эса ҳар хил туғма нуқсонларнинг келиб чиқишига сабаб бўлиши мумкинлигига эътибор қаратишмоқда. Аъзо тўқимавий тузилмаларининг ривожланиши жараёнида бошқарувчи тизимларнинг аҳамияти муҳимдир. Бошқарув нерв, эндокрин ва иммун тизимлари морфологияси, уларнинг интеграцион ва мослашувчан (адаптация) ўрнининг пре- ва постнатал онтогенез даврларда шаклланишидаги организм функцияларига таъсири бутун дунё олимлари эътиборини ўзига қаратмоқда<sup>1</sup>. Бошқарув тизими ўзининг марказий ва периферик қисмлари ҳисобига организмнинг мутлоқ интеграциясини таъминлайди. Шу туфайли организмнинг ташқи ва ички оралиғи чегарасида жойлашган ингичка ичак нафақат ҳазм қилиш вазифасини, балким организмнинг барча функционал тизими гормонал фаолияти гомеостазини ҳам таъминлайди. Ҳазм қилиш тизими аъзолари ривожланиши умумий қонуниятларининг мавжудлигига қарамай, пре- ва постнатал даврларда ингичка ичак ва унинг бошқарув тузилмаларининг шаклланиши тўғрисида маълумотлар етарли эмасдир. Турли хил экзоген ва эндоген омилларнинг ингичка ичак ва унинг бошқарув тузилмалари шаклланишига таъсири етарлича тадқиқ қилинмаган. Бугунги кунга қадар уларнинг морфофункционал шаклланиши кетма-кетлиги ва уларнинг интеграл фаоллигининг хусусиятлари, она организми орқали кимёвий (токсик) моддалар таъсири, бошқарув тузилмаларининг реактивлиги етарлича ўрганилмаган. Сут эмизувчиларга заҳарли химикатлар ва пестицидлар таъсирини ўрганишга оид алоҳида ишлар бу механизмларни тўлиқ очиб беришга имкон бермайди.

Жаҳонда ҳомиладорлик даврида пестицид билан заҳарлантирилган қуён авлодлари ҳар хил аъзоларининг такомиллашувини ўрганиш мақсадида қатор илмий-тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Ҳайвонларнинг ҳазм қилиш системаси диффуз эндокрин аппарати хужайралари ва интрамурал нерв аппарати асосий тузилмалари шаклланишининг морфологик ва морфометрик кўрсаткичларининг пренатал ва илк постнатал даврларда ўзига хослиги тўғрисида тахминлар мавжуд. Эмбриогенез даврида пестицидлар таъсирида ингичка ичак иммун тузилмалари морфологиясининг онтогенездаги ўзига хослиги тадқиқ қилинмоқда. Аммо пре- ва постнатал ривожланиш жараёнида пестицидлар таъсири механизмларини очиб бериш учун ичак тўқимавий ва бошқарув тузилмаларининг тараққиётини мукамал тадқиқ қилиш ва

---

<sup>1</sup> Арчакова Л.И. и др. Морфофункциональные характеристики нервной, иммунной и эндокринной систем внутренних органов при действии пирогенала. // Морфология. - 2004. №4. - С. 11.  
Rajkovic V. et al. Alterations in jejunal morphology and serotonin-containing enteroendocrine cells in peripubertal male rats associated with subchronic atrazine exposure. // Ecotoxicol Environ Saf. 2011 Nov; 74(8): - P. 2304-9.  
Яглов В.В., Яглова Н.В. Новые концепции биологии диффузной эндокринной системы: итоги и перспективы ее изучения. // Вестник Российской академии медицинских наук, № 4, 2012, - С. 74-80.

уларнинг назорат ва тажриба гуруҳи хайвонларида онтогенезнинг ушбу давриларида пестицид таъсири натижасида морфогенезининг ўзига хослигини қиёсий таҳлил қилиш зарур. Ингика ичак туғма нуқсонлари билан туғилиш хавфини ушбу минтақаларда қишлоқ хўжалигида пестицидлардан фойдаланиш ва сифатли ичимлик суви таъминоти билан корреляцион боғланиш даражасини аниқлаш муҳимдир. Янги туғилган чақалоқларда туғма ингичка ичак тутилишининг клиник ва морфологик хусусиятларини аниқлаш хирургик даволаш натижаларини яхишилаш ва ингичка ичак туғма нуқсонларини олдини олиш чора тадбирларини ишлаб чиқишга ёрдам беради. Ушбу касалликни олдини олиш ва даволашга қаратилган соғломлаштирувчи чора-тадбирлар комплексини ишлаб чиқиш алоҳида аҳамият касб этади.

Республикамизда ҳозирги кунда соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, кенг тарқалган касалликларни эрта аниқлаш ва олдини олиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш муҳим вазифалардан биридир. Бу борада 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «...аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш қулайлиги ҳамда сифатини ошириш, тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, дастлабки бўғинини, тез ва шошилиш тиббий ёрдам тизимини янада ислоҳ қилиш, оила саломатлигини мустаҳкамлаш, оналик ва болалиқни муҳофаза қилиш...» муҳимлиги белгиланган<sup>2</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида», «Аҳолининг санитария-эпидемиология хавфсизлиги тўғрисида», «Фуқаролар соғлигини ҳимоя қилиш тўғрисида», Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 20 июндаги ПҚ–3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори, 2014 йил 1 августдаги ПҚ–2221-сон «Ўзбекистонда оналар, болалар ва ўсмирлар соғлигини муҳофаза қилиш бўйича 2014–2018 йилларга мўлжалланган Давлат дастури» ва «2017-2021 йилларда ичимлик суви таъминоти ва канализация тизимларини комплекс ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш дастури тўғрисида»ги ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

---

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони

## **Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи.**

Ҳомиладорлик даврида пестицид билан захарлантирилган қуён авлодлари оч ичаги иммуннейроэндокрин аппаратлари морфологиясининг шаклланиш механизмлари бўйича илмий-тадқиқот ишлари дунёнинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан University Tübingen (Германия), Alexandria University (Миср), Jagiellonian University (Польша), Kagawa University (Япония), I.N. Ulyanov Chuvash State University (Россия), IM Sechenov First Moscow State Medical University (Россия), University of Linköping (Швеция), Süleyman Demirel University (Туркия), University of Michigan (АҚШ), University of Bologna (Италия), University of Murcia (Испания), De Montfort University, University of Manchester (Англия), University of Basel (Швейцария), University of Wurzburg (Германия), Colorado State University, University of Rochester Medical Center, University of California, Harvard University, Department of Environment and Health, Rollins School of Public Health at Emory University, Duke University Medical Center, Federal Agricultural Health Study (АҚШ), Pukong National University (Корея), Punjab Agricultural University (Ҳиндистон), National Institute of Chemical Physics and Biophysics (Эстония), Сибир илмий-тадқиқот институти (Томск), Санитария, гигиена ва касбий касалликлар илмий-тадқиқот институти, Тошкент тиббиёт Академияси ва Самарқанд Давлат тиббиёт институти (Ўзбекистон) <sup>3</sup>да олиб борилмоқда.

Ҳомиладорлик даврида пестицид билан захарлантирилган қуён авлодлари оч ичаги иммуннейроэндокрин аппаратлари морфологиясининг такомиллашуви бўйича қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: жўжалар овқат рациониди гуручнинг ўрнига маккажўхори дони ферментлар билан бойитилган таомларнинг бройлерлар ичакларининг морфологиясига таъсири исботланган Kagawa University (Япония); ҳайвонларнинг ингичка ичак микроскопик тузилиши ва маҳаллий бошқарув тизимида юзага келадиган ўзгаришларнинг олдини олиш механизмининг тизимли тартиби ишлаб чиқилган Россия Фанлар академиясининг Байкал тадқиқот маркази (Россия); фосфорорганик пестицидлар билан захарланишда орқа миядаги ўзгаришларнинг олдини олишда сукцинилхолиннинг самардорлик кўрсаткичи исботланган University Tübingen (Германия); сичқонларда ароматик хид билан биргаликда озиқ-овқат маҳсулотларини кўп истеъмол қилиш натижасида токсикологик таъсирнинг асосий белгилари исботланган Alexandria University (Миср); ҳомиладор аёлларнинг пестицидлардан захарланиши ва уларнинг ҳомилага кўрсатадиган таъсири механизмлари исботланган Jagiellonian University (Польша); хужайраларда пестицидлар билан ўткир захарланиш натижасида нейротоксик ўзгаришлар ҳамда клиник белгиларнинг жамламаси исботланган (Pukong National University (Корея), Punjab Agricultural University (Ҳиндистон), National Institute of Chemical Physics and Biophysics (Эстония); пестицид билан ўткир

---

<sup>3</sup>Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи [www.uni-tuebingen.de](http://www.uni-tuebingen.de); [www.alexu.edu.eg](http://www.alexu.edu.eg); [www.ru.uj.edu.pl](http://www.ru.uj.edu.pl); [www.kagawa-u.ac.jp](http://www.kagawa-u.ac.jp); [www.chuvsu.ru](http://www.chuvsu.ru); [www.sechenov.ru](http://www.sechenov.ru); [www.liu.se](http://www.liu.se); [www.w3.sdu.edu.tr](http://www.w3.sdu.edu.tr); [www.umich.edu](http://www.umich.edu); [www.unibo.it](http://www.unibo.it) ва бошқа сайтлар асосида ишлаб чиқилган.

заҳарланиш даврида жисмоний ривожланишдан орқада қолиш юзага келиши илмий натижалар ёрдамида асосланган (АҚШ); ота-оналари қишлоқ хўжалигида пестицидлардан фойдаланиш шароитида ишлайдиган болалар пешоби таркиби текширилганда, пестицидларнинг метаболитлари мавжудлиги аниқланган Federal Agricultural Health Study (АҚШ); ҳомиладорлик даврида пестицид билан заҳарлантирилган қуён авлодлари оч ичаги иммуннонейроэндокрин аппаратларининг тузилишининг такомиллашув тизимига таъсири ишлаб чиқилган Самарқанд давлат тиббиёт институти (Ўзбекистон).

Дунёда ҳомиладорлик даврида пестицид билан заҳарлантирилган қуён авлодлари оч ичаги иммуннонейроэндокрин аппаратларининг тузилиши ва такомиллашиши бўйича устувор йўналишларда илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда: жумладан пренатал онтогенезда тажриба хайвонлари оч ичагининг шаклланиши, диффуз эндокрин аппарати ҳужайраларининг, интрамурал нерв аппаратининг, иммун тузилмаларининг морфологик ва морфометрик хусусиятларини аниқлаш; тажрибада заҳарланиш натижасида қуёнларнинг авлодларида оч ичак маҳаллий бошқарув тузилмаларининг пренатал онтогенезда шаклланишининг морфологик хусусиятларига цирак пестициди таъсири механизмларини ўрганиш; турли ҳудудларда ингичка ичак туғма нуқсонлари билан туғилиш хавфининг қишлоқ хўжалигида пестицидлардан кенг фойдаланиш ва тегишли ҳудуд аҳолисининг сифатли ичимлик суви билан таъминланганлик даражаси билан корреляцион боғланиш мавжудлигини исботлаш ҳамда хирургик даволаш натижаларини баҳолаш, ингичка ичак туғма нуқсонларини олдини олишни такомиллаштиришга қаратилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Узок (Obremski K. et al., 2005; Moog F., 2009) ва яқин хориж (Швалев В.Н., 1979; Костюкевич С.В., 2009; Яглов В.В., Яглова Н.В., 2012; Яглова Н.В., Обернихин С.С., 2013; Чумаков В.Ю., Пазюк П.В., 2013;) олимларининг ички аъзолар нерв, эндокрин ва иммун аппаратларини ўрганишга бағишланган тадқиқотлари адренергик ва холинергик нерв тузилмаларининг, ингичка ичак шиллиқ пардаси иммун системаси афферент ва эфферент звеноларининг, эндокрин ҳужайраларининг ҳазм найи фаолиятини бошқаришдаги аҳамиятини кўрсатди. Ҳомиладорликнинг дастлабки давларида иммун системани фаоллаштиришга бағишланган экспериментал - морфологик ишлар улар авлодлари иммун система аъзолари морфогенезининг механизмини аниқлашга имкон берди (Яглова Н.В., Обернихин С.С., 2013,2014).

Ўзбекистонда академик Зуфаров К.А. морфологик мактабининг ходимлари томонидан (Абдурахманов М., 2005; Расулев К.И., 2006; Юлдашев А.Ю., 2008; Тухтаев К.Р., 2014; Азизова Ф.Х., 2014 ва бошқалар) ҳазм найи иммун ва эндокрин системалар аъзолари пре- ва постнатал онтогенезининг ўзига хослиги ўрганилди. Бинобарин каламушларга ҳомиладорлик ва эмизиш даврида пестицидлар билан сурункали таъсир қилиниши улар авлодлари (болаларининг) эндокрин, иммун аъзоларининг шаклланиши ортда қолишини кўрсатади (Tukhtaev K.R. et al., 2012, 2013, 2017). Антиген билан таъсир кўрсатиш



натижасида эса (салмонелла билан зарарлантириш) ингичка ичак иммун системасини постнатал онтогенезда шаклланишининг тезлашиши аниқланди (Азизова Ф.Х. ва бошқ., 2004; 2006, 2014).

Бугунги кунда атроф-муҳитни ифлослантирувчи омиллардан бири пестицидлар ҳисобланади. Аммо уларнинг маҳаллий бошқарувчи тизимларга, ҳамда уларнинг индуктив ва интегратив алоқаларига таъсири етарлича ўрганилмаган. Ташқи муҳит омилларининг (фактор) аъзолар шаклланиши давридаги таъсири турли хил туғма нуқсонларининг келиб чиқишига сабаб бўлиши мумкин. Узоқ (Lima M. et al., 2009; Tsai L.Y. et al., 2010; Burjonrappa S. et al., 2011) ва яқин хориж (Иванов В.В. ва бошқ., 2006; Морозов Д.А. ва бошқ., 2011) олимлари тадқиқотларида ингичка ичакнинг пренатал онтогенез жараёни бузилишининг натижасида, туғма аномалияларнинг ривожланиши ва у билан боғлиқ бўлган ичак тутилиши каби асоратлар келиб чиқишдаги ўрни аниқланган. Ўзбекистонда профессор А.М.Шамсиев ва бошқалар (Shamsiev A.M. et al., 2018) шунга ўхшаш тадқиқотлар ўтказишган. Шунга қарамасдан пестицидларнинг она организми орқали ҳомиланинг ички аъзолари морфофункционал ривожланишига, жумладан ингичка ичак шаклланишига таъсири муаммоси ҳозиргача ҳал қилинмасдан қолмоқда. Шу нуқтаи назардан қаралганда ички аъзолар ва тизимларнинг пренатал ва постнатал онтогенезда ривожланиши, яъни уларнинг морфофункционал дифференцировкаси даврида морфологиясини, ҳамда маҳаллий бошқарувчи тизимларни ўрганиш долзарблигича қолмоқда. Бу муаммони ҳал қилиш муҳим назарий ва амалий аҳамият касб этади, чунки келиб чиқиши мумкин бўлган туғма нуқсонларни тахмин қилишда ва олдини олишда муҳим аҳамиятга эга бўлади.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация Самарқанд давлат тиббиёт институтининг илмий-тадқиқот ишлари режаси «Лаборатория ҳайвонлари ички органларининг ёшга кўра морфологияси ва уларнинг кимёвий моддалар таъсирида реактив ўзгаришлари» (2002-2017йй.) мавзусига мувофиқ бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** ҳомиладорлик даврида пестицидлар билан заҳарланган қуёнлар наслининг оч ичак нерв, диффуз эндокрин аппаратлари ва иммун тизимларининг пренатал ва постнатал онтогенетик ривожланиши морфологик хусусиятларини такомиллаштиришдан иборат.

**Тадқиқот вазифалари:**

пренатал онтогенезнинг сўнгги ва постнатал онтогенезнинг дастлабки давларида қуёнлар оч ичаги ривожланиши ва шаклланишининг морфологик ва морфометрик ўзига хослигини ўрганиш;

пренатал онтогенезнинг сўнгги ва постнатал онтогенезнинг дастлабки давларида қуёнлар оч ичаги диффуз эндокрин аппарати шаклланишини аниқлаш;

пренатал онтогенезнинг сўнгги ва постнатал онтогенезнинг дастлабки давларида қуёнлар оч ичаги интрамурал нерв аппарати асосий тузилмаларининг шаклланишини аниқлаш;

пренатал онтогенезнинг сўнги ва постнатал онтогенезнинг илк даврларида куёнлар оч ичаги иммун тузилмаларининг морфологик ўзига хослигини тадқиқ қилиш;

ҳомиладорлик вақтида циракс пестициди билан экспериментал заҳарланиш натижасида куёнларнинг авлодларида оч ичак маҳаллий бошқарув тузилмаларининг пренатал онтогенезнинг сўнги ва постнатал онтогенезнинг дастлабки даврларида ривожланиши ва шаклланишининг морфологик хусусиятларини ўрганиш;

назорат ва тажриба гуруҳидаги куёнларнинг оч ичаги тузилмаларининг ривожланиши ва шаклланишининг морфологик ўзига хослигини қиёсий таҳлиллаш асосида маҳаллий бошқарув тузилмаларига циракс пестициди таъсири механизмларини аниқлаш;

ҳудудларда ингичка ичак туғма нуқсонлари бўлган чақалоқларнинг туғилиши хавфининг аҳолини сифатли ичимлик суви билан таъминланганлиги ҳамда ушбу ҳудуддаги қишлоқ хўжалигида пестицидлардан фойдаланиш кўлами билан корреляцион боғлиқлик даражасини баҳолаш;

янги туғилган чақалоқларда туғма ингичка ичак тутилишининг клиник ва морфологик хусусиятларини аниқлаш, хирургик даволаш натижаларини ўрганиш;

ингичка ичак туғма нуқсонларини олдини олиш бўйича тавсияларни ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** 120 та куён ҳомиласи ва 160 та турли ёшдаги постнатал даврдаги куёнлар. Улардан 175 таси назоратдаги ва 105 таси тажриба куёнлари. Тадқиқотнинг эпидемиологик ва клиник қисмида ингичка ичак туғма нуқсонларининг Самарқанд вилояти ҳар-хил ҳудудларидаги учраши, ҳамда 171 нафар янги туғилган чақалоқларда ингичка ичак ривожланишининг туғма аномалияларини хирургик даволаш материаллари олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида пренатал онтогенезнинг сўнги ва постнатал онтогенезнинг дастлабки даврларида оч ичак маҳаллий бошқарув аппаратлари (нерв, иммун ва диффуз эндокрин) морфологиясини нормада ва она организми орқали пестицид билан таъсир кўрсатилишида комплекс ўрганиш, ҳамда янги туғилган чақалоқларда туғма ингичка ичак тутилишининг эпидемиологияси, клиникаси ва морфологияси ўрганилган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот вазифаларини ҳал этиш ва мақсадга эришиш мақсадида умумгистологик, гистокимёвий, нейрогистологик, люминесцент-гистокимёвий, морфометрик ва электрон микроскопик, Бильшовский-Гросс, Кампос, Рассказова ва Гримелиус услубларида импрегнациялаш, Догел–Эрлих услубида суправитал бўяш, эпидемиологик, умумий клиник ва статистик таҳлил усулларида фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

пренатал онтогенезнинг сўнги даврида куён ҳомиласи ва постнатал онтогенезнинг дастлабки даврларида куёнлар оч ичаги тузилмалари

морфологияси, морфофункционал шаклланиши жараёнида таркибий қисмларнинг ўзаро муносабатлари асосланган;

пренатал онтогенезнинг сўнги ва постнатал онтогенезнинг дастлабки муддатларида оч ичак бошқарув тизими тузилмалари компонентларининг морфологик ва морфометрик кўрсаткичларининг хусусиятлари асосланган;

куён ҳомиласида ҳомиладорлик даврида тажрибавий заҳарланиш натижасида оч ичак маҳаллий бошқарув тизимининг ўзгариш даражалари исботланган;

пренатал онтогенезнинг сўнги даврида куёнлар ҳомиласи ва постнатал онтогенезнинг дастлабки даврида куёнчалар организмига она организми орқали циракс пестицидининг оч ичак морфологик кўрсаткичларига салбий таъсири исботланган;

ингичка ичак туғма нуқсонлари билан туғилиш хавфининг сифатли ичимлик суви таъминоти ва қишлоқ хўжалигида пестицидлардан фойдаланиш ҳолати билан боғлиқлик корреляцияси даражаси ва ингичка ичак туғма нуқсонларининг олдини олишдаги ахамияти асосланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижаси** қуйдагилардан иборат:

ривожланаётган ҳомила организми бошқарувчи тузилмаларига тажриба омилларининг таъсири аниқланган;

пренатал онтогенез даврида пестицидлар таъсири аниқланган, пренатал давр аномалиялари ривожланиши ва туғма мажруҳлик антенатал профилактикаси ишлаб чиқилган;

бўлажак организмларнинг меъёрда пренатал ривожланишини ҳимоя қилиш учун профилактик чора-тадбирлар ишлаб чиқилган;

постнатал онтогенезнинг илк даврида бошқарув тузилмаларини тадқиқ этишдан олинган натижалар ва антенатал даврда экстремал омилларнинг асоратли таъсирини олдини олиш ва даволаш зарурлиги исботланган;

2017-2021 йилларда ичимлик суви таъминоти ва канализация тизимларини комплекс ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш давлат дастурлари билан уйғунлашиб, соғлом авлодни тарбиялашга қаратилган тартиби ишлаб чиқилган;

морфологик фанлар, болалар хирургияси, неонатология, педиатрия, гастроэнтерология ва эмбриология бўйича тегишли бўлимларни ўқитиш учун қўшимча ўқув материаллари сифатида ишлатилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, тажриба ҳайвонлари ва беморлар сонининг етарлилиги, умумгистологик, гистокимёвий, нейрогистологик (Бильшовский-Гросс, Кампос, Рассказова ва Гримелиус усулларида импрегнациялаш, Догел–Эрлих усулида суправитал бўяш), люминесцент-гистокимёвий, морфометрик ва электрон микроскопик, эпидемиологик ва статистик усулларида ишлов берилганлиги, ҳомиладорлик даврида пестицид билан заҳарлантирилган куён авлодлари оч ичаги иммуннейроэндокрин аппаратларининг морфологияси ўрганилганлиги шунингдек, тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий тадқиқотлар билан таққосланганлиги билан асосланган. Статистик

усулларнинг қўлланилиши олинган натижаларнинг ишончлилигини таъминлаган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти оч ичак девори тузилмавий компонентларининг, ҳамда иммуннейроэндокрин тизимининг пренатал онтогенезнинг сўнгги даврдаги шаклланиши ва илк постнатал даврда янги озикланиш ва ривожланиш шароитларига мослашишдаги ўрнини ва такомиллашувини морфологик асослаб беришдан иборатдир.

Тадқиқот натижасининг амалий аҳамияти постнатал онтогенезнинг илк даврида бошқарув тузилмаларининг морфофункционал шаклланиши ва такомиллашиши даврида экстремал омилларнинг таъсири оч ичак бошқарув тузилмалари шаклланишининг кечикиши ёки тўхтаб қолишига олиб келиши мумкинлигини исботлашдан иборат. Бинобарин, бу давр онтогенез жараёнида энг заиф бўлиб, ривожланаётган организмни ташқи муҳитнинг салбий таъсиридан алоҳида ҳимоясини талаб қилади. Ушбу натижалар «Оналик ва болаликни ҳимоя қилиш» давлат дастурига тааллуқлидир. Бундан ташқари, янги туғилган чақалоқларда туғма ингичка ичак нуқсонларини хирургик даволаш усуллари, интервенция ва даволаш-диагностик аралашувларни ўзида жуда оғир кечирадиган бу гуруҳ касалларда чегараланган имкониятга эга эканлиги туфайли, муаммони ҳал қилиш йўллари профилактика усулларига қаратиш лозимлиги таъкидланган.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ҳомиладорлик даврида пестицид билан захарлантирилган куён авлодлари оч ичаги иммуннейроэндокрин аппаратларининг морфологияси бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Илк постнатал онтогенезда оч ичак интрамурал нерв аппарати морфологияси» услубий қўлланмаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 23 январдаги 8н-д/15-сон маълумотномаси). Мазкур услубий қўлланма илк постнатал онтогенезнинг турли муддатларида тажриба ҳайвонлари оч ичаги интрамурал нерв тизими ривожланиш даражаси, овқатланиш хусусиятлари ўзгаришига кўра ичак нерв тузилмалари ривожланишининг интенсив ўзгариши муддатларини аниқлаш имконини берган;

«Онтогенезнинг илк давларида оч ичак морфологик тузилишини баҳолашнинг айрим инновацион усуллари» услубий қўлланмаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 23 январдаги 8н-д/15-сон маълумотномаси). Мазкур услубий қўлланма онтогенезнинг илк давларида ингичка ичак материалларига ва кесмаларига гистологик ишлов беришнинг бир нечта янги замонавий усуллари амалиётга татбиқ қилиш имконини берган;

Ҳомиладорлик даврида пестицид билан захарлантирилган куён авлодлари оч ичаги иммуннейроэндокрин аппаратларининг морфологиясини такомиллашувига қаратилган илмий тадқиқот натижалари соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Самарқанд давлат тиббиёт институти, Тошкент тиббиёт академияси, Тошкент педиатрия тиббиёт институтлари марказий илмий лабораториялари ҳамда гистология, цитология ва

эмбриология, суд тиббиёти ва патологик анатомия, нормал ва патологик физиология кафедралари ўқув жараёнига ҳамда морфология, неонатология, педиатрия, болалар хирургияси ва суд тиббиёти йўналишлари бўйича фундаментал тадқиқотга татбиқ қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 6 июндаги 8н-д/116-сон маълумотномаси). Олинган тадқиқот натижалари янги туғилган чақалоқларда туғма ингичка ичак нуқсонларини хирургик даволаш имкониятлари бу жажжи беморларда ҳозирги кунда анча чегараланганлигини кўрсатди.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 15 та илмий-амалий анжуманда, жумладан, 3 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 39 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 16 та мақола, жумладан, 13 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертация ҳажми ва тузилиши.** Диссертация таркиби кириш, еттита боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 200 бетни ташкил этади.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Ингичка ичак бошқарув тузилмаларининг онтогенези ва ривожланиш жараёнига пестицидларнинг таъсирининг замонавий талқини»** деб номланган биринчи бобида етарли миқдорда тиббий-биологик муаммолар ёритилган замонавий, маҳаллий ва хорижий илмий адабиётлар таҳлил қилинди. Овқат ҳазм қилиш органлари иммун, интрамурал нерв ва диффуз эндокрин тизим морфологияси бўйича кўплаб адабиётлар келтирилган, уларни таҳлил қилиш орқали ўрганилаётган мавзунинг муаммолари аниқланди. Овқат ҳазм қилиш аъзоларининг пренатал ва постнатал онтогенези ҳамда уларнинг бошқарув тизимларига оид адабиёт манбаларининг таҳлили, шунингдек, ушбу бошқарув тузилмаларнинг ўзаро муносабатлари ёритилган манбалар келтирилган. Бундан ташқари, ўсимликларни ҳимоялаш учун ишлатиладиган кимёвий воситаларнинг организмга таъсири, биосферада пестицидларни айланиши ва уларнинг организмдаги тизимлар, ҳамда бошқарув тузилмалари морфологиясига таъсири ёритилган етарли миқдорда зарурий адабиётлар ҳам таҳлил қилинди.

Диссертациянинг «Пестициднинг оч ичак онтогенези ва бошқарув тузилмаларига таъсирини ўрганиш материал ва усуллари» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот учун материаллар тўлиқ тавсифланган (120 та қуён ҳомиласи ва 160 та турли ёшдаги қуёнчалар оч ичаги. Барча ўрганилган объектлар – 280 та). Тажрибалар ҳомиладорликнинг 1, 10, 20 ва 30 кунда зонд ёрдамида ошқозон ичига 5 ДОК микдорда циракс пестицидини сувли эмульсияда қуйиш йўли билан мутлоқ соғлом ҳомиладор қуёнларда ўтказилди. Назоратдаги урғочи қуёнларга дистилланган сувни худди шу муддатларда, худди шу ҳажмда қуйилди. Назорат ва тажрибадаги урғочи қуёнлар бир хил шароитда ва бир хил озикланиш рақонида сақланди. Тажрибалар «Тажриба ва бошқа илмий мақсадларда фойдаланилувчи умуртқали ҳайвонлар ҳимояси ҳақидаги Европа конвенцияси»га мувофиқ олиб борилди (Страсбург, 1985). Айнан шу бобда материалларни қотириш ва гистологик ишлов беришнинг инновацион усуллари (диссертант томонидан ишлаб чиқилган) келтирилган. Умумгистологик, нейрогистологик, люминесцент-гистокимёвий ва электрон микроскопия тадқиқот усулларида фойдаланиш асосланган. Илк муддатдаги ҳомилалар бачадон билан бирга олиниб парафинга қуйилди. Қуёнчаларнинг оч ичаги рулет шаклида ўралди, қотирилди ва парафинга қуйилди. Бунда оч ичакнинг бир қисми фиксациясиз криостатда музлатилди ва ундан олинган кесмаларга глиоксил кислотаси билан адренергик нерв толалари ва флюоресценцияланувчи эндокриноцитларни аниқлаш мақсадида В. Н. Швалев ва Н. И. Жучкова услуби бўйича ишлов берилди. Оч ичакнинг парафинли кесмаси Ван-Гизон, гематоксилин-эозин усуллари бўйича бўялди, Гримелиус усулида кумуш нитрат тузи билан импрегнация қилинди. Фиксацияланган материалнинг криостатда олинган кесмаси буюм ойнасига ёпиштирилди ва худди шу ҳолатда Бильшовский-Гросс услуби бўйича импрегнацияланди. (Рационализаторлик таклифлари учун гувоҳнома №1784 12 июль 2012 й). Нейронларни суправитал бўяш Грублер маркасидаги метилен кўки бўёқларидан фойдаланиб Догел-Эрлих услуби бўйича амалга оширилди. Адренергик нерв тузилмалари ва флюоресценцияланувчи апудоцитлар ЛЮМАМ–ИЗ маркали люминесцент микроскопда ФС 1-4, ФС 1-6. филтрларидан фойдаланиб ўрганилди.

Электрон микроскопик тадқиқот учун шиллиқ парда бўлакчалари 0,1 М фосфатли буферда 2,5% ли глутаральдегид эритмасида фиксацияланди, 1% ли 4 оксидли осмий эритмасида қайта ишланди. Материал ўсувчи концентрациялардаги спиртларда сувсизлантирилди ва эпон қоришмасига қўшилди. Трансмиссион электрон микроскопия (ТЭМ) учун ҳомила ингичка ичаги 2,5% ли глутар альдегид эритмасида 1% ли 4 оксидли осмий эритмасини қўшиш билан фиксацияланди. Кесмалар ультрамикротом Ultracut (Reichert Yong) ёрдамида олинди, уранилацетат ва қўрғошин цитрати эритмалари билан контрастланди (микропроцессор Ultrastainer LKB). Тадқиқотлар электрон микроскоп Hitachi-H-600да ўтказилди. Ярим юпка эпон-аралдитли кесмалар метилен кўки - асосий фуксинлар билан бўялди ва Progress Capture Pro 2.6 рақамли камерали Axioscope (Carl Zeiss) микроскопи


ёрдамида, Pentium IV компьютерига уланган холда ўрганилди. Ультраюпқа кесмалар уранилацетат ва кўрғошин цитрати эритмаси билан тўйинтирилиб тиниклаштирилгандан сўнг JEM-100 электрон микроскопида ўрганилди. Электрон микрофотографияда ҳар бир апудоцитда секретор доначаларнинг диаметри ўлчанди. Олинган қийматларни умумий қабул қилинган формулалар бўйича ҳақиқий рақамларга айлантирилди. Рақамли материални статистик қайта ишлашда Стюдент t-мезонларидан фойдаланиб тасдиқланди, фарқлар ишончлилиги  $P < 0,05$  мезонига кўра ишланди.

Апудоцитлар ва нерв тузилмалари зичлиги 256 катакчали ва нуқтали окуляр сетка ёрдамида аниқланди, тузилмаларнинг чизиқли ўлчамлари окуляр линейкада ўлчанди, унинг ўлчамларининг қийматини аниқлаш объект микрометр ёрдамида ўтказилди.

Диссертациянинг «**Пре- ва постнатал онтогенезда оч ичак ва унинг маҳаллий бошқарув аппаратининг ривожланиши**» деб номланган учинчи бобида акс эттирилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, пренатал онтогенезнинг 15 кунда қуёнлар оч ичаги шиллиқ пардаси ривожланмаган. 20 кунда мушак пластинкаси ва бўйлама бурмалар, 25 кунликда ворсинкалар ва крипталар пайдо бўлади. Туғилиш вақтига келиб оч ичакнинг барча тузилмавий компонентлари шаклланган бўлади.

Илк постнатал онтогенезда қуёнчалар оч ичаги девори компонентларида ҳам морфологик, ҳам морфометрик ўзгаришлар рўй беради, хусусан:

Янги туғилган қуёнчаларда ворсинкалар тўлиқ шаклланмаган ва юқориси кенг - ости тор бўлиб япроқсимон шаклда бўлади. Постнатал ривожланиш даврида ворсинкаларнинг шаклланиши жараёнида асоси ва учи аста-секинлик билан қалинлашади, ўрта учдан бир қисми эса кўндалангига торайиб боради (1-расм). Постнатал ривожланишининг 30-кунда қуёнчалар оч ичаги ворсинкалари тўлиғича шаклланади ва бармоқни эслатувчи узун шаклга эга бўлади.



1-расм. 20 кунлик қуёнча. Оч ичак девори. Гематоксилин-эозин усулида бўялган. Об.20, ок.10.

Янги туғилган қуёнлар оч ичаги шиллиқ қавати крипталари узун овал шаклда, тепаси тор бўлади, баъзан уларнинг ичи кенгайган бўлиши ҳам

мумкин. Кейинчалик, шаклланиш жараёнида крипта туби тораяди, чўзилади ва тўла шаклланган криптларни куёнлар оч ичагида илк постнатал ривожланишнинг 30 кунда кўриш мумкин. Оч ичак шиллик қавати эпителийси призмасимон хошияли. Янги туғилган куёнчалар оч ичак криптлари таркибида қадахсимон хужайралар мавжуд эмас. Кейинчалик, бу хужайралар уларнинг эпителийси таркибида пайдо бўлади. Ворсинкалар эпителийсида қадахсимон хужайралар миқдори асосидан учига қараб кўпайиб боради.

Морфологик ўзгаришлар таҳлилига кўра, 20 кунликдан бошлаб оч ичак тузилмавий компонентлари ўз морфологик тузилишига кўра катта куёнлар оч ичагига хос бўлган хусусиятларга эга бўла бошлайди. Бироқ, айрим морфометрик фарқлар мавжуд. Бизнинг морфометрик тадқиқотларимиз юқорида келтирилганларни тасдиқлайди. Бунда:

Янги туғилган куёнчалар оч ичаги деворининг умумий қалинлиги ўртача  $273,4 \pm 5,31$  мкмни ташкил этди. 10 кунлик куёнчаларда бу кўрсаткич янги туғилганларга қараганда 35,2% га кўпроқ, 20 кунлик куёнларда 10 кунлик куёнларга қараганда 28,8% га кўпроқ ва 30 кунлик куёнларда бу кўрсаткич 20 кунлик куёнларга нисбатан 38% кўпроқ, янги туғилганларга қараганда эса 140,2% кўпроқ. Ушбу маълумотлар оч ичак девори қалинлиги постнатал ривожланишнинг 30 кунда анча ошганини кўрсатади.

Янги туғилган куёнчалар оч ичаги шиллик қавати қалинлиги ўртача  $103,09 \pm 3,65$  мкмни ташкил этади. Постнатал ривожланишнинг 10 кунда у янги туғилганларга қараганда 61,8% кўпроқ. 20 кунлик куёнчаларда оч ичак шиллик қавати қалинлиги 10 кунликларга қараганда 42,2% кўпроқ. 30 кунлик куёнчаларда бу кўрсаткич 20 кунликларга қараганда 24,6% кўпроқ, янги туғилганларга қараганда эса 186,8% кўпроқ. Шиллик қаватнинг кўпроқ қалинлашуви постнатал ривожланишнинг 20 кунда кузатилади.

Шиллик ости қават қалинлиги илк постнатал ривожланишнинг 30 куни давомида нисбатан бир хил ўзгариб боради. Янги туғилган куёнчаларда оч ичак шиллик ости қавати қалинлиги ўртача  $78,85 \pm 1,99$  мкмни ташкил этади. 10 кунда бу кўрсаткич 33,9%га ўсган. 20 кунлик куёнчаларда шиллик ости қават қалинлиги сезиларли ўсмайди (8,8%), постнатал ривожланишнинг 30 кунда бу кўрсаткич 17,5%га камайган, бироқ, янги туғилган куёнчалар билан таққосланганда 20,2% га кўпроқ.

Оч ичак мушак қавати қалинлиги ҳам ривожланиш жараёнида ўзгаради. Янги туғилган куёнчаларда мушак қавати қалинлиги ўртача  $98,11 \pm 1,99$  мкмни ташкил этади. Постнатал ривожланишнинг 10 кунда бу кўрсаткич сезиларли ўсмайди (1,9%). 20 кунлик куёнчаларда мушак қават қалинлиги 10 кунликларга қараганда 28,7% кўпроқ. Постнатал ривожланишнинг 30 кунда куёнчалар оч ичаги мушак қавати анча ўсгани кузатилади (20 кунлик куёнчаларга қараганда 111,9%). Оч ичак мушак қавати қалинлиги 30-кунда янги туғилган куёнчалар билан таққосланганда 177,8% га ошди.

Ворсинкалар узунлиги ҳам бир текис ўсиб боради ва янги туғилган куёнчаларда ўртача  $10,63 \pm 21,58$  мкмни ташкил этади. 10 кунда у 41%га ошди. 20 кунлик куёнчада ворсинкалар баландлиги 10 кунликка қараганда



24,3% кўпроқ. 30 кунда бу кўрсаткич 20 кунлик билан таққослаганда 5,3 % га ўсган ва янги туғилган қуёнчалар билан таққосланганда 84,5% га ўсган. Янги туғилган қуёнчалар оч ичаги криптлар чуқурлиги ўртача  $113,38 \pm 2,66$  мкмни ташкил этади. Постнатал ривожланишнинг 10 кунда у 12,2% га камаяди. 20 кунлик қуёнчаларда бу кўрсаткич сезилмас ўсган (12,2%). Постнатал ривожланишнинг 30 кунда қуёнчалар оч ичаги криптлари чуқурлиги сезиларли ўсган. У 20 кунликка қараганда 49,2% га кўпроқ, янги туғилганларга қараганда эса 47% кўп.

Шундай қилиб, кейинчалик илк постнатал онтогенез даврида қуёнчалар оч ичаги девори тузилмавий компонентларининг функционал мослашув жараёнида морфофункционал дифференцировкаси юз беради. Ушбу параметрларнинг сезиларли ўзгариши постнатал онтогенезнинг 20-кунда кўзга ташланади ва бунга сабаб қилиб қуёнчаларнинг бу ёшда она сутидан ташқари қаттиқ овқатларни ҳам ейишни бошлашлари билан боғлаб кўрсатиш мумкин.

Пренатал даврдаги қуёнлар ҳомилалари ва постнатал онтогенездаги қуёнчалар оч ичаги маҳаллий бошқарув тузилмалари морфологияси ёритилган бўлимда пренатал онтогенезнинг сўнгги ва илк постнатал онтогенез жараёнида оч ичак бошқарув тузилмаларининг ривожланиши бўйича олинган натижалар қуйидагича келтирилган:


Қуён ҳомиласи оч ичаги эпителийси 25-кундан дифференцияланади ва хошияли эпителийнинг барча турли кўринишли хужайраларини, шунингдек, эндокрин хужайраларни аниқ кўриш мумкин бўлади. Бу ёшда эпителия таркибида бўлажак шаклланивчи криптлар ўрнида апудоцитлар ҳам очик ҳам ёпиқ кўринишда намоён бўлади. Бунда улар ўз морфологиясига кўра бир мунча фарқланади: айнан йирик ядроси ва турли кўринишдаги шакллари билан.

Қуён ҳомиласи оч ичаги шиллик қавати эндокрин хужайралари дифференцировкаси 20-кунликдан бошланади ва уларнинг типологик дифференцировкаси пренатал онтогенезнинг 20-25-кунликлар оралиғида юз беради. Флюороген амин синтези 20 - кунликдан бошланади ва бу очик кўринишли хужайралар ёпиқ кўринишдагиларга қараганда бир мунча олдинроқ дифференцияланишидан далолат беради. Ушбу маълумотлар оч ичак эпителийси дифференцировкаси унинг диффуз эндокрин аппарати дифференцировкаси билан кечишини тасдиқлайди. 20 кунликкача бўлган ривожланиш даврини оч ичак эпителийсининг унинг диффуз эндокрин тизими билан дифференцировкаси даври деб аташ мумкин. Эпителиоцитлар ва бошқа хужайравий тузилмалар дифференцировкасига асосий таъсирни унинг маҳаллий бошқарув тизимини ташкил қилувчи ва айнан диффуз эндокрин тизимини ташкил қилувчи эндокрин хужайралар синтезлайдиган биоген аминлар кўрсатади.

Қуён ҳомиласи оч ичаги пренатал онтогенези якунида унинг интрамурал нерв тизимининг асосий тузилмалари шаклланиши кузатилади. Шиллик ости ва мушаклараро нерв тугунлари кўп миқдордаги нейробластлардан иборат ва улар морфофункционал дифференцировканинг турли босқичларида бўлади.

Синаптик ва афферент нерв охирлари ҳамда чегараланган арборизацияли рецепторлар ҳам кузатилади.

Постнатал онтогенезнинг илк муддатларидаги қуёнчалар оч ичаги девори нерв тизими шаклланиши босқичида бўлади: янги туғилган қуёнчалар оч ичак деворида шиллиқ ости, мушаклараро ва субсероз чигаллар, типологик дифференциалланувчи вегетатив нейронлар ва кўп миқдордаги нейробластлар аниқланади. Кейинчалик тенг ўсимтали нейроцитлар ва Догел ҳужайраларининг 3 типи ҳам дифференцияланади. Нейробластлар миқдори постнатал ривожланишнинг 20 кунда сезиларли камаяди. Шу муддатда интрамурал тугунлар вегетатив нерв тизимининг барча тузилмавий компонентларидан – нерв ҳужайралари, нерв толалари, синаптик ва рецепторли нерв охирлари, дифференцияланган вегетатив нейронларнинг барча турларидан ташкил топган. Адренергик нерв толалари интенсив нурланади, оч ичак артерияси атрофида тўрлар ҳосил қилади ва улар шу ерда периваскуляр адренергик тўрни шакллантиради; бундай толалар вена атрофида яккам-дуккам (2-расм).



2-расм. 20 кунлик қуёнча оч ичаги периваскуляр адренергик нерв тўри. Тотал препарат. Глиоксил кислотаси билан ишлов берилган. Об. 20, гомаль 3. А–турли калибрдаги артериялар, Б – периваскуляр адренергик тўр, В – вена.

Оч ичак иммун аппаратида дастлаб афферент звено шаклланади. У 25 кунлик қуён хомиласи шиллиқ пардаси хусусий пластинкасида ва шиллиқ ости пардасида яккам-дуккам лимфоцитлар тупламларидан иборат, уларнинг кенг герменатив марказлари асосан лимфобластлардан иборат.

Туғилгандан кейин бир ой мобайнида ворсинкалар ва крипталар стромалари ва шиллиқ ости пардаси лимфатик тугунларининг таркибий-функционал дифференцировкаси рўй беради, ҳамда сезиларли даражада иммуноцитларнинг зичлиги ва турли кўринишлари кўпаяди. Бунда энг кўп ўзгариш 20-кунгача кузатилади. Ҳайвонлар ички стерилланган шароитдан

